



ТАСДИКЛАЙМАН  
Қизқеткен-Кегейли ирригация тизими  
бошқармасы бошлиғи  
М.Каипов

## ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ ХУЖЖАТЛАРИ

Қизқеткен-Кегейли ирригация тизими бошқармасыга қарашли Чимбай туманидаги  
«Абат-жап» хўжаликлар оралик каналини тозалаш ишлари (ПК105+00 дан ПК206+00 гача)

**Заказчик:** Қизқеткен-Кегейли ирригация тизими бошқармасы

Чимбай – 2022 г.

## ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

### 1. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Енг яхши таклифларни танлаш предмети: Қизкеткен-Кегейли ирригация тизими бошқармасига қарашли Чимбай туманидаги «Абат-жап» хўжалиқлар оралик каналини тозалаш ишлари (ПК105+00 дан ПК206+00 гача)

Чимбой тумани Дослык гузари р/у

1.2. Енг яхши таклифларни танлаш қиймати 449209038 (Тўрт юз кирк тўққиз миллион икки юз тўққиз минг ўттиз саккиз) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 7 банк иш куни.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қизкеткен-Кегейли ирригация тизими бошқармаси (бундан кейин- «Буюртмачи» деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили:, Чимбой тумани Дослык гузари р/у

Эл.адрес: qkitb@minwater.uz

2.2. Енг яхши таклифларни танглаш «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Енг яхши таклифларни танглаш Қизкеткен-Кегейли ирригация тизими бошқармаси «Буюртмачи» томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Енг яхши таклифларни танглаш мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, иш тажрибасига эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Енг яхши таклифларни танглаш иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

енг яхши таклифларни танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми

(50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

енг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун бюртмачи ҳисобига 3% закат пули утказиши шарт

#### Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар енг яхши таклифларни танглаш предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасидатурганлар;

мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (<http://etender.uzex.uz>) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2 Енг яхши таклифларни танлаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи ” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Енг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши керак

- Техник қисм, “Буюртмачи ” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак

- Нархлар қисм, енг яхши таклифларни танлаш шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилиши керак.

Енг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари керак.

4.4 Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади

Техник ва нархлар буйича қуйидаги таклифлар

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорт ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади)

4.5 Енг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси

- фақат битта таклиф бериши мумкин

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақийқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1 Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

5.3 Енг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларнинг ҳақийқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси енг яхши таклифларни танлаш хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида Енг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тўғайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тўғайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартириш киритилган санадан эътиборан камида ўн кўнга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълон кўрсатилган ахборот ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2 Енг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларни танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кўни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тўғайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланган ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кўндан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4 Енг яхши таклифларни танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Енг яхши таклифларни танлаш натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.